

Суд тизими
Ўзбекистонда
қандай
ишляпти?

2,3-бетлар

Бош ҳисоб-
чига нега
“хайфсан”
берилди?

5-бет

Суд
жараёнида
прокурор
иштироки
шарт...ми?

6-бет

Ходимни
ишдан
бўшатган
раҳбар
жавобгарликка
тортилди

7-бет



ИНСОН ва ҚОНУН

14 июль 2020 йил / № 24 (1228)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

MADAD
Huquqiy maslahat byurosi

Ҳуқуқий мадад
ҳаммага,
ҳар доим,
ҳамма жойда!

4 БЕТ

Ҳаёт гўзал!
Ўзингиз ва
ошлангизни асранг!

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- ✓ Энг сўнги хабарлар
- ✓ Ҳуқуқий маълумотлар
- ✓ Таҳлилий мақолалар
- ✓ Мурожаатга жавоблар

буларнинг барчасини
ўзингиз кутган
сайта кузатинг

@hudud24official



Отамнинг дўконига
эгаллик қилсам
бўладими?

4 БЕТ

Ҳуқуқ
ҳимоячисининг ўзи
ҳимояга муҳтож
бўлди

5 БЕТ

Энди кутмайсиз...
ва норизо
бўлмайсиз!

6 БЕТ

СУД ТИЗИМИ

Президент: “Халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози, дейишга ҳали асос йўқ”

Ш.МИРЗИЁЕВ раислигида 30 июнь куни одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳофазатига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ғоялар суд амалиётидаги баъзи бир оғриқли муаммоларга ечим топилишига асос бўлади ва судьяларнинг адолатли қарор қабул қилишига таъсир ўтказувчи барча салбий омилларни бартараф этишга хизмат қилади.

Куйида эътиборингизга тақдим этилаётган давра суҳбатида видеоселектор йиғилишида Президент қўйган вазифалар, унинг ижроси билан боғлиқ қилиниши лозим бўлган ишлар тўғрисида судьялар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.



Убайдулла МИНГБОЕВ,
 Судьялар олий кенгаши раиси,
 Ўзбекистон Республикасида
 хизмат кўрсатган юрист:

— Давлатимиз раҳбари кейинги 3 йилда бир неча марта судьялар билан учрашди. Улар билан очик мулоқот ўтказиб, суд ҳокимиятининг мустақиллигини амалда таъминлаш бўйича қимматли маслаҳатларини бериш баробарида судьяларнинг олдига янги-янги вазифаларни қўймоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Куйи кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз яна бир бор “Суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетиши керак. Бу Президент талаби!”, дея алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган ушбу талаб суд тизимида 53 йилдан ортироқ вақт давомида ишлаб келаётган судья, қолаверса, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган судьялар ҳамжамиятининг органи — Судьялар олий кенгашининг раиси сифатида менга ҳам катта масъулият юқлади.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, “халқ суд-ҳуқуқ тизимидан рози дейишга ҳали асос йўқ”. Боиси, жорий йилда аҳолидан келиб тушган мурожаатларнинг 8 мингдан зиёди ёки 44 фоизда судларда ишлар тўлиқ ва ҳолис кўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани ёки иқтисодий судларда апелляция, кассация ва назорат тартибда кўрилган ишларнинг 2,5 мингдан ортиги, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилгани ҳақида. Демак, куйи судларнинг қарорлари юқори турувчи инстанциялар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши суд ишларининг ҳар томонлама юқори савияда кўриб чиқилганига шубҳа туғдиради.

Мен узоқ йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилган қарор қонуний, асосли ва мукамал бўлиши шарт.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, юксак инсоний фазилатларга эга, касб нуқтани назардан профессионал судьялар корпусини шакллантиришда очиклик, ошкоралик ва шаффофликни, энг муҳими, ҳолисликни таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Бугунги кунда Судьялар олий кенгаши томонидан судьялик лавозимларига энг муносиб номзодларни таниб олиш учун ҳам шаклан, ҳам ҳолиятан янги тартибда 3 босқичдан иборат синов имтиҳонлари жорий этилди. Бу имтиҳонларда судьяликка талабгорларнинг билими, дунёқарashi, маънавияти қай даражада эканлиги синовдан ўтказилади. Ушбу Кенгаш ташкил этилган пайтда мамлакатимиздаги вақант судьялик ўринлари 40 фоиздан ортиқ эди, бугунги кунда бўш судьялик ўринлари 13 фоизни ташкил этади.

— Инсоният адолатли ҳаёт тарзига, умр йўлларида ҳақиқат қарор топишига ташна, дунёга қадалган нигоҳларимиз одиллик қидиради. Ҳар қачон ва ҳар ерда. Суд-ҳуқуқ тизими эса ана шу озуларни рўёбга чиқариш, жамиятда адолат барҳаётлигига масъулдир. Судлар адолатли ҳукмлар чиқарар экан, қонунлар устуворлигини йўқотмайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, парламент аъзолари жойларда халқ билан очик мулоқот ўтказган пайтда жамоатчилик ушбу йўналишлардаги мавжуд адолатсизликларни очик-ойдин баён қилди. Ҳа, биз депутатлар халқ ичига чуқур кириб борганимиз сайин уларнинг ҳаётидан тўлиқ бохабар бўлмоқдамиз. Афсуски, мурожаатларда мансабдор шахслар, давлат идоралари, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятидаги ноҳўя ҳаракат ва ҳаракатсизликлардан шикоятлар кўп. Уларни биргаликда ҳал қилишга келишиб олдик ва бу билан янги ислохотларга дастлабки қадамни қўйдик, десак, муболаға эмас. Президентимизнинг кўрсатмаларидан сўнг одил судловга кўмаклашиш, тергов жараёнларини шаффофлаштириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича мунтазам равишда мулоқотлар олиб боришни галдаги вазифа сифатида белгилаб олдик. Бинобарин, аҳоли томонидан кўтарилган муаммолар ҳар чоракда маҳаллий кенгашларда танқидий муҳокама қилиниши натижа бериши аниқ.



Наримон УМАРОВ,
 Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
 спикери ўринбосари, Ўзбекистон
 “Адолат” СДП фракцияси раҳбари:

Судьянинг фаолиятига тўсқинлик қилгани ва адолатсиз қарор чиқаришга мажбурлагани учун жавобгарликни кучайтириш масаласи кўтарилгани айтиш мудоао бўлди. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси сайловолди дастурида суд тизимини комплекс ривожлантириш, судларнинг мавқеини ошириш, судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш каби масалалар устувор вазифалар қаторига киритилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан адвокатура одил судловнинг ажралмас қисми сифатида тилга олингани жуда ўринли. Бу борада партияимиз суд жараёнида адвокатура ва прокуратура ҳуқуқларининг тенглик принципини таъминлаш учун курашади. Видеоселектор йиғилишида ҳам адвокатлар мавқеини ошириш ва фа-

олиятини мустаҳкамлаш хусусида бир қанча таклифлар берилди. Жумладан, давлат томонидан тақдим этилган адвокатларни танлашнинг очик-ошкора тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ўзига таниш адвокатларни қақариб, айбланувчига таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Бунинг олдини олиш учун эса тегишли вазирликларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни электрон танлаш тизими ишга туширилади. Судларга электрон мурожаат қилиш, мурожаатлар ҳолатини онлайн тарзда кузатиш, тарафларга маълумотларни электрон шаклда юбориш аҳоли учун қулайлик яратишидан ташқари тизимнинг шаффофлашиши, адолат асосий мезонга айланишига хизмат қилади.



Комил СИНДАРОВ,
 Судьялар олий мактаби директори
 ўринбосари, юридик фанлар доктори:

— Сўнги уч, уч ярим йилда судьяларни қўллаб-қувватлаш, жамиятда уларнинг нуфузини оширишга қаратилган 20 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Шубҳасиз, буларнинг замирида мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида давлат ва жамиятнинг стратегик мақсадига айланган инсонпарварлик сиёсати ётади. Аслида суд ҳокимияти фаолиятининг бош мақсади ҳам инсонпарварликдир.

Суд тизимини ислоҳ қилиш борасидаги амалий ишлар ҳақида гап кетганда, мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта Судьялар олий кенгаши ҳузурда ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти-

ни алоҳида таъкидлаш жоиз. Айти пайтда мамлакатимиздаги пандемия туфайли жорий этилган карантин даврида Судьялар олий мактабида масофадан туриб (онлайн) ўқитиш тизими йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари йиғилишида судьяларни ўқитишда масофавий таълимни янада ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Бу бежиз эмас, сабаби, бугунги кун шуни тақозо этмоқда.

2020 йил 3 июль куни Судьялар олий мактабида суд амалиётининг дозарб масалаларига бағишланган онлайн халқаро конференция ўтказилди.

Унда Япония Адлия вазирлиги Халқаро ҳамкорлик департаменти

вакили судья Куроки Коута, Нагоя иқтисодиёт университети профессори Ичичаши Кацүя, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти эксперти Сафинас Ахаева, шунингдек, маъмурий, жиноят ва иқтисодий суд ишларини юритиш соҳаси иштирокчилари бўлган бир қатор миллий экспертларнинг маърузалари тинланди.

Конференция видеоконференцалоқа режимида ялпи ва икки секция мажлиси шаклида ташкил этилди. Хусусан, “Суд амалиёти: хорижий ва миллий тажриба” номли ялпи йиғилишда маъмурий акт ва уни маъмурий орган ташаббуси билан бекор қилишдаги айрим чекловлар, маъмурий суд иш юритишда судга мурожаат қиладиган шахслар доираси — учинчи шахслар тахлили мисолида, вояга етмаганларни жиноят судлов идорасидан чиқариш тажрибаси, прокурор томонидан процессуал қонунчиликни қўллаш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан кўзланган асосий мақсад, одил судловга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири — судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб шакллантириш, мустақил қарор қабул қилиш салоҳиятига эга бўлган, шу билан биргаликда, юксак маънавиятли судьяларни тайёрлаш ҳамда амалдаги судьяларнинг малакасини ошириш ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА

қандай ишляпти?



Бахтиёр ИСЛОМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент шаҳар суди
раиси:

— Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган жиддий вазифалардан бири, илғор тажрибалар ва халқаро стандартлар асосида суд тизимини “бир суд — бир инстанция” тамойили асосида қайта қўриб чиқиш топшириғидир.

Бу суднинг том маънодаги вазифаси, яъни адолат ўрнатишдаги ўрни аниқ ва мустаҳкам бўлишига қаратилган. Ҳозирги вақтда бир ишни қайта-қайта қўриш ёки ишни қайта қўриш учун ўша суднинг ўзига қайтариш каби ҳолатлар суд қарорлари барқарор эмаслигига олиб келмоқда.

“Бир суд — бир инстанция” тамойили жорий этилса, судларда қўрилаётган ишлар тезроқ якунланади, яъни вақтида охиригига нукта қилинади. Бироқ бу судлар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Суд қонунга мувофиқ

ишни қўриб чиқиши, фақат адолатли қарор қабул қилишини тақозо қилади.

Президентимизнинг “Одил судлов халқнинг кўз ўнгига, очик-ошкора амалга оширилиб, адолат қарор топиши лозим”, деган фикри ҳам олдимизга шу талабни қўймоқда.

Урни келганда, яна бир муҳим масала бўйича фикр-мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. Далилларни қийноқ усуллари қўллаган ҳолда тўплаш ҳолатлари бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бу масалани очик-ойдин айтиш билан чекланмай, бунга барҳам бериш талаби шахсан давлат раҳбари томонидан қўйилаётгани учун ҳам бу борада ижобий ўзгаришлар сари қадамлар қўйилди. Қийноқлар қўлланилиб олинган далилларни мақбул ҳисобламаслик

ҳақида қонунчиликка ўзгартиш ҳам киритилди.

Бундай ҳолатлар ҳақида илгари оммага маълум қилинмагани учун ҳам бу мавзуда баҳс-мунозаралар бўлмасди. Ҳозир эса жамиятдаги очиклик туфайли шундай ҳол рўй берса, бу жамоатчиликка маълум бўлмоқда ва табиийки, аҳоли томонидан қораланмоқда.

Видеоселекторда ҳам бу масалага эътибор қаратилди. Ички ишлар идорасида қийноқдан вафот этган икки фуқаро иши бўйича фикр билдирилди, шундай ҳолатларни батамом барқарор этиш бўйича қатъий топширик берилди.

Энди бевосита суд амалиётида қийноқдан шикоят қилиш ҳолатлари учраганим, деган саволга шуни айтишим мумкинки, илгари суд мажлисларининг ўзида берилган

кўрсатмани тан олмай, қийнашгани учун шундай деганман, деб судга маълум қилганлар тез-тез учраб турарди.

Бироқ авваллари тергов жараёнлари узоқ чўзилгани учун бундай шикоятларни исботлаш имконсиз эди. Масалан, тан жароҳати етказилиб, гумондорнинг бўйнига айб қўйилган бўлса, 5-6 ойдан кейин бу иш судга келиб тушган бўлса, ўша тан жароҳатлари излари йўқолиб кетган бўларди.

Ҳозирги кунга келиб эса айнан қийноқдан шикоят қиладиган айбланувчилар жуда камайди. Агар шикоят қилинса, бу албатта, қонун доирасида текширилади. Ишотини топса, судга тақдим этилган далиллар рад қилинади. Бу борада айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўриб чиқилади.



Қахрамон ИСАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Янгийўл шаҳар суди
раиси:

— Мамлакатимизда одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашишга қаратилган барча ислохотларнинг замирида битта ғоя турибди. Бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “одамларни рози қилиш”. Табиий савол туғилади, қачон одамлар рози бўлади? Судьялик касб фаолиятимдан келиб чиқиб жавоб берадиган бўлсам,

қачонки, суд биносига келган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат борлигига ишониб чиқиб кетсагина, одамлар рози бўлади. Лекин бунинг учун барча судьялар чиқараётган суд ҳужжатлари, қарор, ажрим, ҳужмлар қонуний, ҳар томонлама асосли ва адолатли бўлиши шарт.

Одил судловни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш борасидаги вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз мана шу ғоянинг амалда ўз ифодасини топishi учун бир қатор ғоя ва ташаббусларни илгари сурди.

Жиноят ишлари бўйича суд амалиётидан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, жиноят ишини судья қўриб чиқишида тергов сифати жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуктага назардан ҳам Тергов институтининг ташкил этилиши тўғрисидаги ташаббус ўз вақтида ва тўғри илгари сурилди. Энди янги ташкил этиладиган институтда тахсил оладиган мутахассислар бугунги давр талабларини ҳисобга олиб, мутлақо янги талаб ва ёндашувлар асосида ўқитилиши лозим.

Давлатимиз раҳбари қўлаб маърузасида ва аҳоли билан мулоқотида “Мен бир фикрни такрорлашдан чарчамайман: халқимиз ҳамма нарсадан устун қўядиган адолатни ҳаётимизда том маънода қарор топтириш энг асосий вазифамизга айланиши шарт”, дея алоҳида таъкидлайди.

Барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишда, қолаверса, давлат ва жамият ҳаётида адолат қарор топишида судья ва суд тизими ходимларининг фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун, бугунги кун судьяси ва тизим ходимлари ўз фаолиятларига мана шу муҳим мезондан келиб чиқиб ёндашиши лозим. Ҳар биримиз билан ва тажрибамизни тинимсиз ошириб боришимиз, қарор қабул қилишда етти ўлчаб эмас, агар айтиш лозим бўлса, етмиш ўлчаб бир кесимиз, энг муҳими, ҳаммаша виждон амрига қўлоқ тутиб ишлашимиз ва яшашимиз шарт, деб ҳисоблайман.



Толиб БАЙЗАКОВ,
жиноят ишлари бўйича
Самарқанд туман суди
раиси:

талаб қилади.

Бўлажак судьяларни бугунги кун талаби асосида тайёрлаш, судья ва суд тизими ходимларининг малакасини ошириб бориш мақсадида ташкил этилган Судьялар олий мактаби фаолияти ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Келгусида судьялик лавозимини эгаллаш учун муайян иш стажига эга бўлиш, Судьялар олий мактабини ўқиб тугатиш каби талаблар қўйиш орқали судьялик лавозимини эгаллаш учун талабнинг кучайтирилгани жуда ўринли. Чунки адолатли, ҳолис, қонуний қарор чиқариш судьядан жуда кўп билим ва тажриба талаб қилади. Президентимиз бежиз судларда ишлар тўлиқ ва ҳолис қўрилмаётгани, узоқ муддат чўзилаётгани, айниқса, апелляция, кассация ва назорат тартибда қўрилган ишларнинг 2,5 миңдан ортиги, яъни 44 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмади. Ҳар бир суд ишининг орқасида инсон тақдирини ёки қайси бир инвесторнинг ҳуқуқи ётади. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида адолатни қарор топтириш энг муҳим вазифа, деб қўйилган.

Президентимиз томонидан қўйилган бу талаб ҳар бир судьяни ва суд тизими ходимини ўзининг қундалиқ фаолиятини қайтадан чуқур танқидий-таҳлил қилиб чиқишга, ўзи чиқараётган ҳар бир қарор учун жавобгарлиқни тўла ҳис қилишга ундайди.

Судья чиқарган қарорнинг бевосита терговчилар ишига ҳам чамбарчас боғлиқ жиҳатлари бор. Лекин йиғилишда таъкидланганидек, судлар чиқараётган қарорлар фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиши лозим. Айрим судьялар тергов материалларига боғланиб қолгани, бу эса қонун, суд ва давлат обрўсига путур етказиши қайд этилди. Бундан барча судьялар тегишли хулоса чиқаришимиз шарт.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ғоялардан яна бири келгусида терговчиликка номзодларга ҳам судьяликка номзодларга қўйилган талаблар қўйилиши кераклиги бўлди. Бу ишларни самарали амалга ошириш учун бир қатор мутасадди идораларга топшириқлар берилиб, қисқа муддатларда Тергов институтини ташкил этиш, терговчилик касби учун мутлақо янги талабларни ишлаб чиқиш, соҳага илғор тажриба ва халқаро стандартларни жорий этиш бўйича вазифалар қўйилди.

— Видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилганидек, жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида тергов органлари асосис айб қўйган 323 нафар фуқаро судлар томонидан оқланган. 1 миңг 854 нафар шахсга нисбатан қўйилган айбловлар асосис, деб топилган. Ўтган 2019 йилда 236 нафар оқланган шахсга давлат ҳисобидан 6,7 миллиард сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириб берилган. Бугунги пандемия натижасида қийин иқтисодий шароитда бюджет томонидан қолланётган зарар соҳанинг ҳар бир мутахассисини жиддий ўйлантириб, ўзининг касбига масъулият билан ёндашишни



Валишер КАРАМАНОВ,
Дехқонobod туман
маъмурий суди раиси:


— Устозларимиз ва ҳамкасбларимизнинг юқорисида билдириб ўтган фикр-мулоҳазаларини қўлаб-қувватлаган ҳолда айтишим керакки, ҳақиқатан ҳам, давлатимиз раҳбари томонидан видеоселектор йиғилишида илгари сурилган ғоялар судларнинг том маънодаги “адолат уйи”га айланишига амалий таъсир кўрсатади.

Масалан, ушбу мажлисда ҳозирги тергов сифати ва ходимлар малакаси талабга жавоб бермаслиги алоҳида таъкидланди. Суд процессида тергов органлари далилларни шадфатсиз қийноқ усуллари қўллаган ҳолда тўплаш ҳолатлари бўлганлиги ҳам айтилади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам Андижон шаҳар ва Чироқчи тумани ички ишлар идораларида фожиали ҳолатлар содир бўлгандир. Минг афсуски, бундай ҳолатлар қонун устувор бўлган, ривожланган демократик мамлакатларда бўлиши уятли ҳол.

Очик айтиш керак, мана шу икки ҳолат ҳам жамоатчиликнинг жуда катта эътирозига сабаб бўлди. Бугун кенг жамоатчиликдан ҳеч бир воқеани ашириб бўлмайди. Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг муҳим жиҳатларидан бири бу — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, улар мансабдор шахсларининг фаолиятида очикликни, шаффофликни таъминлаш бўлди. Биз судьялар ҳам фаолиятимиз давомида бугунги давр талаби бўлган очикликка алоҳида эътибор қаратишимиз керак деб биламан.

Хулоса қилиб айтганда, кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан суд тизимини янада ислох қилишга қаратилган ғоя ва ташаббуслар қонун устуворлиги таъминланган, замонвий, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат — янги ЎЗБЕКИСТОНДА “суд — адолат қўрғонига айланишига” хизмат қилади.

Давра суҳбатини
Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

Отамнинг дўконига эгалик қилсам бўладими?

— **ОТАМНИНГ** номида савдо дўкони бор. Ота-онанинг мулкига уларнинг розилигисиз эгалик қила оламанми?



— Оила кодексининг 90-моддасида "Ота-она ҳаётигида болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга эмас", деб кўрсатилган. Шу сабабли ота-онанинг розилигисиз уларнинг мулкига эгалик қилишингиз мумкин эмас.

"Укам"нинг машинасини ишончномасиз бошқара оламанми?

— **ҲОЗИРГИ** кунда яқин қариндошлар автомашинасини ишончномасиз бошқаришига руҳсат берилган. Онам эрта вафот этди. Отам бошқа аёлга уйланди. Бу аёл билан фарзандини ҳам боқиб олди. Мен шу укамнинг автомашинасини ишончномасиз бошқаришим мумкинми?



— Оила кодексининг 58-моддаси, 2-қисмида "Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди", деб кўрсатилган. Шу моддага асосан, Сиз ўғай укамнинг автомашинасини ишончномасиз бошқаришингиз мумкин эмас.

Биратўла икки фарзандимга ҳам нафақа пули олишим мумкинми?

— **ФАРЗАНДИМГА** икки ёшгача бериладиган нафақа оламан. Яна 7 ёшли фарзандим ҳам бор. Унга 14 ёшгача бериладиган нафақа пули олишим мумкинми?

— Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда "Фуқаролар йиғини томонидан эхтиёжманд, деб эътироф этилган оила нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга", деб кўрсатилган. Шу сабабли, Сиз 2 ёшгача болали оилаларга бериладиган бола парвариши бўйича нафақа олаётган бўлсангиз, 14 ёшгача болали оилаларга бериладиган нафақа ололмайсиз.



У оналикдан маҳрум бўладими?

— **АЁЛ** фарзандига қўпол муносабатда бўлса, урса, сўкса уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш мумкинми?

— Оила кодексининг 79-моддасида ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш асослари кўрсатилган бўлиб, уларга қуйидагилар кирди:

- ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, алимент тўлашдан буйин товласа;
- узрсиз сабабларга кўра, ўз боласини туғуруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса;
- ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан шифқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса;
- муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса;
- ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят содир қилган бўлса ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.



Субсидия олиш учун даромадим қанча бўлиши керак?

— **УЙ-ЖОЙ** олиш учун субсидия ажратиш ҳақида ҳокимиятга ариза билан мурожаат қилмоқчиман. Лекин субсидия оиланинг даромадига қараб берилар экан. Субсидия олиш учун оиланинг даромади қанча бўлиши лозим?

— Уй-жой сотиб олиш учун фуқароларга субсидия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга асосан субсидия даромади юқори бўлмаган оилаларга берилади. Оиланинг даромади жойларга қараб қуйидаги миқдордан ошмаслиги лозим:

- қишлоқ жойларда белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 3,8 дан 5,8 бараваригача;
 - Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар шаҳарларида белгиланган МҲТЭКМнинг 4,0 дан 6,5 бараваригача;
 - Тошкент шаҳрида белгиланган МҲТЭКМнинг 4,5 дан 9,0 бараваригача;
- 2020 йил 1 февралдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — 679 330 сўм этиб белгиланган.




Фарзандимга 18 ёшдан кейин алимент тўланмайдими?

— **ТУРМУШ** ўртоғимдан ногирон фарзандимга алимент оламан. Икки ойдан кейин фарзандим 18 ёшга тўлади. Кейин алимент тўхтатилар экан. Турмуш ўртоғимдан фарзандим учун бошқа моддий таъминот ололмайми?

— Оила кодексининг 100-моддасида: "Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади", деб кўрсатилган. Агар фарзандингиз ногиронлиги сабабли меҳнатга лаёқатсиз бўлса, фарзандингизни 18 ёшга тўлиши муносабати билан алимент ундириш тўхтатилганда фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғингиздан моддий таъминот олишингиз мумкин.



Саволларга "Мадад" НТТ бош мутахассиси **Аброр ЭЪЗОЗХОНОВ** жавоб берди.



ХАР бир адлия ходими иш фаолиятида “фуқаролар адлия идоралари фаолиятдан рози бўлиши керак”, деган тамойилга қатъий ва оғишмай амал қилиши, адлия органлари ва муассасалари ходимлари камтар бўлиб, халқимиз олдида қўли кўксиди бўлиб хизмат қилиши лозим.

Худудий адлия органлари раҳбарлари “туман-шаҳар адлия бўлимлари бизнинг юзимиз” тамойилига қатъий риоя этиши ва уни амалда рўёбга чиқариш чораларини кўриши лозим.

АДЛИЯ БЎЛИМЛАРИ СИЗНИНГ ТАЯНЧИНГИЗ

ҲУҚУҚ ҲИМОЯЧИСИНИНГ ЎЗИ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БЎЛДИ

ОДАМ қачон ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилади? Қачонки, унинг ҳуқуқлари бошқалар томонидан топталганда, муаммога дуч келганда, чорасизликка учраганда мана шу идоралардан паноҳ излайди. Аммо ҳуқуқи бузилган одамнинг ўзи ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ходимлардан бўлса-чи?

Сайхунобод туманида шундай ҳолат кузатилди. Бўлимимизга мурожаат қилган туман Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази кадрлар бўлими бошлиғи С.Мавлоновага оширилган разряд бўйича 2019 йил 6 сентябрдан 31 декабргача бўлган иш даври учун қўшимча тўлов қилиниши керак бўлса-да, шу пайтгача ушбу маблаг берилмаган. Шундан сўнг бўлимимиз томонидан мурожаат ўрганиб чиқилди ва туман Санитария-эпидемиологик осойишталик марказига тақдимнома киритилди.

Тақдимномада кадрлар бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган ходимга разряди оширилган бўлса-да, қонунчиликда белгиланган ҳақ тўланмасдан, қонунбузилишга йўл қўйилганлиги кўрсатилиб, ушбу ҳолатни барта-раф этиш бўйича тавсия берилди. Натижада, С.Мавлонова 10 кун муддат ичида иш ҳақини қонунчиликда белгиланганидек олиши таъминланди.

Наиль ТАГИРОВ,
Сайхунобод туман адлия бўлими бошлиғи

Чимбойда мактаб директори ходимининг ҳуқуқини билмаслигидан фойдаланди...

ФУҚАРО А.С. мактабда яхшигина ишлаб келаётганди. Аммо у ноқонуний равишда ишдан бўшатилади. Шу сабабли бузилган ҳуқуқлари тикланиши умидида адлия бўлими эшигини қокди.

Аниқланишича, А.С. 2018 йилда мактабга ўт ёқувчи (качегар) вазифасига ишга қабул қилинган. 2019 йилда А.С. мактаб қоровули вазифасига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

тизимидаги умумтаълим муассасалари ҳамда “Меҳрибонлик уй”лари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғига асосан, 2020 йилнинг 18 март кунидан мактабда ўт ёқувчи (качегар) штат бирлиги қисқартирилган.

Аммо мактаб директори ўт ёқувчи (качегар) вазифасида ишлаётган ходим Ф.М. қолиб, қоровул А.С.нинг ҳуқуқий саводсизлигидан фойдаланган ҳолда: “Биз


Сизни вақтинча қоровул вазифасига ўтказган эдик, энди, Сизни ишдан бўшатамиз деб”, ноқонуний равишда меҳнат шартномасини бекор қилган.

Шундай қилиб, мазкур мурожаатни ўрганиш жараёнида мактаб директори нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси билан маъмурий иш кўзга тиш юзасидан таклиф берилиб, А.С.ни ишдан

бўшатиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилинди, уни мактаб қоровули вазифасига қайта тиклаш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Ҳозирги кунда фуқаро А.С. ишга қайта тикланиб, ўз вазифасида ишини давом эттирмоқда.

Абат ПАЛЕКЕЕВ,
Чимбой туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси



БОШ ҲИСОБЧИГА НЕГА “ҲАЙФСАН” БЕРИЛДИ?

БЕШАРИҚ туманидаги умумтаълим мактаблари ахборот-ресурс марказларида ишлаган фуқаролар Маъмура Соатова,

Субҳихон Турсунова, Жамила Шомуротова, Жасур Норматов, Гулшаной Нишонова ва Насиба Еникеевалар 2019 йилда ишдан бўшатилади. Аммо уларга Бешариқ туман халқ таълими бўлими томонидан ишдан бўшатиш нафақаси тўланмаган.

Маълум бўлишича, 2019 йил 5 июлда Халқ таълими вазирлигининг “Халқ таълими тизимидаги умумтаълим мактаблари қошида фаолият кўрсатаётган ахборот-ресурс марказларини тугатиш тўғрисида”ги 204-сонли буйруғига асосан юқоридаги ходимларга Меҳнат кодексининг 100-моддаси, иккинчи қисми, 1-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилиниши ҳақида огоҳлантириш хати берилган. Орадан 2 ой ўтгач, 2019 йил 5 сентябрда меҳнат шартномалари бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 109-моддасида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда (ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно) ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши, ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Бешариқ туман Халқ таълими бўлими эса зиммасидаги бу қонуний мажбуриятни бажармаган. Туман адлия бўлими аралашуви билан ушбу ходимларга жами 10.120.000 сўм миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилди.

Бундан ташқари, туман адлия бўлими томонидан Бешариқ туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди. Бўлим бош ҳисобчисига “ҳайфсан” интизомий жазоси берилди.

Эркинжон ҒОҒУРОВ,
Бешариқ туман адлия бўлими бошлиғи



Ишсиз қолганларга КОМПЕНСАЦИЯ ҳам тўланмади

ҚАШҚАДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси насос станциялари ва энергетика бошқармасида иш ўрни қисқарган ходимларга компенсация ва бошқа тўловлар тўлаш талабларига риоя этилиши ахволи таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, мазкур бошқармада 2020 йилда иш ўрни қисқарган ходимларнинг 55 нафарига 55 026 313 сўм ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси насос станциялари ва энергетика бошқармасига киритилган тақдимномага асосан ходимларга ишдан бўшатиш нафақалари тўлиқ тўлаб берилди.

Элнур ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Энди кутмайсиз... ВА НОРИЗО БЎЛМАЙСИЗ!

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2019 йил 9 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси нотариат тизимини тубдан ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур тизим фаолиятини тубдан қайта қуриш омилига айланди. Унга қўра, юртимизда нотариал амалиётнинг хусусий шакли пайдо бўлди.

Аҳолининг нотариал хизматларга бўлган талабини илгор хорижий давлатлар тажрибаси ва демократия тамойиллари асосида устун даражада қондириш, бунда эркин рақобат муҳитини яратиш, янги ва замонавий иш услубларини ўзлаштириш, бюрократия ва коррупциявий ҳолатларни жипсовлаш, бир сўз билан айтганда, хизмат кўрсатиш савияси, сифати ва миқдор кўрсаткичларини сезиларли суратда ошириш соҳасидаги долзарб вазифалар мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, янгилашган тартибдаги нотариал ҳаракатларни амалга оширишда, авваломбор, жисмоний ва юридик шахсларнинг мамлакат қонунлари, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари устувор ўринга чиқади ва кафолатланган тарзда ҳимоя қилинади. Бир қатор ҳуқуқ ваколат ва имтиёзлар жорий этилади. Мурожаат қилувчилар бу жараёнда ҳужжат йиғиш, маълумот тўплаш билан боғлиқ қатор ҳужжатбозликлар, бюрократик тўсиқлардан халос бўладилар. Чунинчи, эндиликда нотариал ҳаракатларни амалга ошириш пайтида фуқароларнинг шахсини аниқлашдек бир қатор овозгарчиликлар барҳам топади. Бу иш замонавий текшириш усуллари орқали шу жойингиз ўзида амалга оширилади. Нотариал ҳаракатлар мамлакатнинг бутун ҳудуди бўйлаб, экстерриториаллик тамойили асосида амалга оширилади. Айни пайтда миқозлар манфаати кўзланган ҳолда қурилиш тугалланмаган уй-жойларни бошқа шахсга ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, вазилликдаги шахс номидан мол-мулкларни ижарага беришда эса вазиллик ва ҳомийлик органларининг руҳсатини олиш талаб қилинади. Бу тартиб бекор қилинди. Бундай қулайликдан астоуловларнинг эгалари ва уларнинг яқинлари ҳам баҳраманд бўладилар.

Жорий қилинган янги тартибга мувофиқ, эндиликда мажбурий сугурта полисида кўрсатилган транспорт воситаси эгасининг яқин қариндошлари, яъни ота-она, эр-хотин, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ўртасида автомобилнинг фойдаланиш ва бошқаришга оид ишончнома, юридик шахслар, хусусан, банк ва бошқа кредит ташкилотларининг қорхонани ижарага ва текин фойдаланишга бериш ҳамда бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспорт воситаларини олишда ипотека, гаров ва лизинг шартномаларини мажбурий равишда тасдиқлаш тартиби бекор қилинади.

Шу билан бирга хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларга фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда судга ҳақ бўлган жараёнда далилларни таъминлаш: гувоҳларнинг кўрсатувларини ёзиб олиш, ёзма ва ашёвий далилларни қўздан кечирish, гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш, интернет тармоғидаги фактларни, яратилган муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектларининг тақдим этилганлигини тасдиқлаш; мулкӣ ва мерос масалаларида медиатор вазифасини бажаришдек бир қатор янги ваколатлар ҳам берилади. Турли шахслар ўртасидаги битимларни масофадан туриб хизмат махсус ракам орқали видеоқонференсалока режимида тасдиқлаш имконияти яратилади. Ушбу жараёнда ва масофадан туриб олинган бошқа ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми қозғо ҳужжатлар билан бир хил мақомага эга бўлади. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида рўй бериши мумкин бўлган суистезьмоликларнинг олдини олиш чоралари ҳам белгиланди. Унга мувофиқ, тасдиқланган ҳар бир нотариал ҳужжат махсус ракам орқали ҳисобга олинади, бажарилган нотариал ҳаракатларнинг ягона электрон базаси яратилади. Бу ҳолатларда нотариал ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига чек қўйибгина қолмасдан, маълумотлар тарихини сақлаш имконини ҳам беради.

Муқаддам фаолият кўрсатган давлат нотариал идоралари иши адлия тизимининг раҳбар бўлишлари томонидан назорат қилиниб, мувофиқлаштирилиб ва мониторинг қилиб борилар эди. Эндиликда нотариал ҳаракатларнинг хусусий тартибда амалга оширувчи бора нотариусларнинг аъзолигига асосланган ўз ваколатли органи — Ўзбекистон Нотариал палатаси ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари шаклланди. Шу ўринда палата Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бўғинлари эса Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва жойлардаги адлия бошқармалари қошига жойлаштирилганлигини алоҳида эслатиш зарур. Палата ва унинг жойлардаги бўғинлари нодавлат нотикорат ташкилоти мақомида ишлайди ва нотариусларнинг қонуний фаолиятига аралашмаслик принципи амал қилади.

Хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларнинг ҳудудий бошқармаси шу йил май ойидан эътиборан Хоразм вилоятида ҳам фаолият кўрсата бошлады. Ҳозирда вилоятда хусусий амалиёт билан 36 нафар нотариус шугулланмоқда.

Уларнинг саъй-ҳаракати билан кейинги икки ой мобайнида жами 18 минг 700 дан зиёд нотариал ҳаракат амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси қароридида белгилангандек, ушбу фаолиятдан келиб тушган давлат божи тушумларининг 80 фоизи туманлар ва шаҳарларнинг бюджет жамагармасига, 10 фоизи бюджетдан ташқари адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамагармасини шакллантиришга, қолган 10 фоизи эса хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариусларнинг банкдаги ўз ҳисоб варакларига йўналтирилди. Бундан ташқари, бюджетга ажратмалар ҳажмининг 20 фоизига қисқартириш эвазига уни ўзини ўзи молиялаштириш имконияти мавжуд бўлмаган хусусий амалиёт нотариуслари тасарруфидида қолдириш тартиби ҳам жорий қилинди. Янгилашлар руҳини ҳис этган ҳолда доим халқ хизматидамиз.

Ирода РАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Нотариал палатасининг
Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

ФУҚАРОЛИК суд ишларини кўриб чиқиш жараёнида прокурор фаолиятининг таъсирчанлиги ва самарадорлигини оширишда қонун нормаларини халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Халқаро стандартлар ва "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси"да белгилаб берилган талабларга тўла жавоб бера оладиган Фуқаролик-процессуал кодексининг 10-моддасига мувофиқ, фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилади. Мазкур принцип фуқаролик суд ишларини юритишнинг барча босқичларига бир хилда тааллуқли бўлиб, айниқса, ишларни биринчи инстанция судларида кўриб чиқилишида ўта муҳим аҳамият касб этади.



Суд жараёнида прокурор иштироки шарт...ми?

Эътироф этиш лозимки, суд амалиёти таҳлилига қўра, фуқаролик суд ишлари юритишнинг аксарият қисмида фуқаро билан фуқаро ўртасидаги низоли ҳуқуқий муносабатлар кўриб чиқилади. Низоли ҳуқуқий муносабатда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этаётган фуқаролар қонун олдида тенг бўлиб, Фуқаролик-процессуал кодексининг исботлаш ва далилларни тақдим этиш мажбурияти тўғрисидаги 72-моддасига мувофиқ, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаш шарт. Мана шундай ҳолатда, яъни фуқаролар бири-бирига нисбатан тараф сифатида суд жараёнида низолашаётганида нуфузли давлат органининг вакили — прокурорнинг иштироки этиши ва иш натижаси бўйича гарчи қонуний бўлса-да, у ёки бу тарафининг манфаатида фикр бериши тарафларнинг тенглиги тўғрисидаги принципга муайян даражада таъсир ўтказиши.

Прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида иштироки этиши шарт ва мажбурий бўлган ҳолатлар моддий ва процессуал қонун нормаларида аниқ белгилаб берилганлиги, шунингдек, суд ишида прокурорнинг иштироки этишини зарур, деб топган ҳолларда ҳамда прокурорнинг аризаси билан кўзгатиш ишлар ишлар бўйича фуқаролик ишларининг муҳокамасида прокурор иштироки этиши шарт эканлигини эътиборга олиб, Фуқаролик-процессуал кодексининг 50-моддаси, 3-бандидаги прокурорнинг бошқа шахслар ташаббуси билан кўзгатиш иш муҳокамасининг бошдан иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқини қонун нормасидан чиқариб ташлаш керак.

Мазкур ҳолат прокурор томонидан фуқаронинг манфаатида судга даъво кўзгатиш тўғрисидаги ваколатини белгилаб берувчи нормага ҳам тааллуқли бўлиб, юқорида баён этилган асосларга қўра, "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддасига ҳам тегишли ўзгариш киритиш масаласини келтириб чиқаради. Яъни фуқаро билан фуқаро ўртасидаги ҳуқуқий низо юзасидан прокуратура органларига келиб тушган мурожаатда прокурорнинг даъво кўзгатиш ҳуқуқини чеklang, фуқаро билан давлат ва жамоат ташкилотлари, қорхона ва муассасалар ҳамда мансабдор шахслар ўртасида келиб чиққан низоларда фуқаронинг манфаатида даъво кўзгатиш ҳуқуқини сақлаб қолиш Фуқаролик-процессуал кодексига эътироф этилган принциплар талабига мос тушади.

Қайд этилган фикрнинг эътирофи сифатида мазкур моддани қуйидаги тахрирда бериш мақсадга мувофиқ кўринади: "Фуқаронинг суд тартибидида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари давлат ва жамоат ташкилотлари, қорхона ва муассасалар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга қўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди."

Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ваколатларини белгилаб берган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 4-бўлими таҳлил қилингандида унинг айрим моддалари ўртасида муайян тафовутлар мавжуд эканлигини кузатишимиз мумкин. Хусусан, Қонуннинг 33-моддаси, 5-бандида прокурорнинг суд процесси бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, судьяларнинг мустақиллиги ҳамда процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига қатъий риоя этиш принциплари амал қилиши шарт эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур қоида барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тўғрисидаги конституциявий норма ва Фуқаролик-процессуал кодексининг 10-моддасида белгиланган фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши тўғрисидаги асосий принципларидан бири бўлган тарафларнинг тенглиги тўғрисидаги қоидага мутлақо зиддир. Шунинг учун прокурорларнинг суд ишларини қақариб олиш билан боғлиқ ваколатларини тарафларнинг тортишуви ва тенглиги тўғрисидаги принципга хилоф институт бўлганлиги учун қонун нормаларидан чиқариб ташлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, фуқаролик суд иш юритишнинг барча иштирокчилари, яъни тарафлар, учинчи шахслар, уларнинг вакиллари, ариза берувчилар ва судда қўрилаётган алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича бошқа манфаатдор шахслар ўларнинг манфаати билан боғлиқ бўлган ишда бевосита иштирок этаётганлиги боис, суд иш юритишнинг иштирокчиси сифатида эътироф этилади.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 36-моддасига мувофиқ, прокурор ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этганлиги ёки этмаганлигидан қатъий назар, ушбу иш хусусида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари қонунга ҳамда иш юзасидан тўпланган материалларга қай даражада мувофиқ келишини текширади. Прокурор фуқаролик ишлари бўйича суднинг чиқарган қарорларини гайриқонуний, деган ҳулосага келган тақдирда қарорнинг қонуний қучга кирган ёки кирмаганлигини келиб чиқиб апелляция ёки кассация тартибда юқори турувчи судга протест келтириши мумкин. Яъни прокурор биринчи инстанция суд жараёнида иштирок этмаган бўлса ҳам фуқаролик иши юзасидан тўпланган материалларни ўрганиб чиқиши билан боғлиқ ҳолат уни фуқаролик иш юритишнинг иштирокчисига айлантиради.

Мазкур ҳолат фуқаролик суд ишларини юритиш тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги асосида амалга оширилиши тўғрисидаги процессуал қонунчилик ва одил судловнинг энг асосий принциплари хилоф. Чунки прокурор тарафларнинг тенглиги ва тортишуви асосидаги далилларни текшириш жараёнида иштирок этмаган, тарафлар, гувоҳлар ва ишда иштирок этган бошқа шахсларнинг суд мажлисидаги кўрсатмаларини, фикр-мулоҳазаларини эшитмаган ҳамда уларнинг суд мажлиси баённомасида қанчалик тўри ифода этилганлигидан хабардор эмас. Шу боис прокурорнинг ўзи иштирок этмаган фуқаролик ишлари бўйича суднинг чиқарган қарорларига нисбатан апелляция ёки кассация тартибда юқори турувчи судга протест келтириши мумкин бўлган ваколатини қонун нормасидан чиқариб ташлаш тарафларнинг тенглигини таъминлашга қаратилган муҳим омил ҳисобланади.

Шерзод ЖАМОЛОВ,
Судьялар Олий мактаби
тингловчиси

“Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни КЎЗ ҚОРАЧИГИДЕК АСРАНГ!”

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари парламентга Мурожаатномасида мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ёшларга оид давлат сиёсатини янада ривожлантиришни кун тартибига қўяётганини алоҳида таъкидлади. Зеро, ёшлар учун давлат ва жамият бошқарувида тизимли ташкилий-ҳуқуқий механизм тўғри яратилса, бу давлатнинг ҳар томонлама юксалиши ва жамиятнинг маърифатли бўлишига хизмат қилади.

Айнан шу боис Мурожаатномада Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Ўзбекистон ёшлари — 2025” концепциясини ишлаб чиқиш, унда маънавий ва jisмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирларини белгилашга масъуллик белгиланди.

Энди мазкур концепцияни тайёрлашда нималарга эътибор қаратиш керак, деган масала таҳлилга илмий-назарий жиҳатдан тўхталмиш мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчидан, адолат ва реаллик принципларига риоя қилиш керак. Яъни, мазкур ҳужжат Конституциямиз талабларини ўзида муқаммас этмоғи лозим. Зотан, Конституциямизнинг муқаддимасида: “ҳозирги ва келажақ авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда”, деган конституциявий ғояга ёҳуд давлат, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оила, маҳалла, татлий муассасаси, ташкилот ва бошқа ижтимоий институтларнинг реал ҳамкорлигини назарда тутувчи нормаларга бевоисита асосланиши зарур. Мурожаатномада қайд этилганидек, ҳамкорлик куруқ рақамлар, расмийчилик ва номигагина ҳисоботларга эмас, мавжуд реал муаммоларнинг амалий ечимига қаратилиши керак.

Иккинчидан, мамлакатимизда маънавий ва jisмоний баркамол авлод вакилларини вояга етказишда жамиятимиз, айниқса, ёшлар учун хавфли салтанатимиз “ёшлар”га барҳам бериш чораларини қўриш лозим. Ёшлар бу ворисийликка таъсир этувчи иллат эканлиги боис ҳам хавфли саналади. Агар бу иллат сиёсийлаштириш даражасига етса, унинг салбий таъсирининг оқибати шунчалик катта бўлади.

Чунончи, аксарият раҳбарларнинг ҳудудлардаги мавжуд реал ҳолатни эътиборга олмасдан, ёшларнинг муайян энг кам ва фаол қисми билан номигагина ёшлар муаммоларига бағишланган самарасиз йиғилишлар ўтказишига чек қўйиш даркор. Бунда реал ҳолатдан келиб чиқиб, муаммолардан қўрқмаслик, уларни тизимли ҳал этишга кенг жамоатчиликни жалб этиш лозим.

Аслида, ривожланган давлатларда ҳар қандай муаммо ва соҳа фақат ҳуқуқ ёки қонунчилик билан тартибга солинмайди. Бунинг амалда илҳом ҳам йўқ. Яъни жамиятда шахснинг онги, дунёқараши, ҳулқ-атвори, виждони, маданияти ва мустақил позицияси бир-

ламчи аҳамият касб этади. Айнан мазкур фазилатлар давлат ва жамиятнинг маърифатли бўлишига хизмат қилади. Шу боис шахс тарбияси жамиятимиз учун устувор вазифа саналиб, у давлат томонидан рағбатлантириб борилиши ўзининг амалий натижасини беришини унутмаслик даркор.

Мурожаатномада: “Жамиятда тинчлик ва оқойишга эришиш таъминлашда ҳеч қим четда турмаслиги, “Ўз болангизни, ўз уйингизни, ўз Ватанингизни кўз қорачигидек асранг!”, деган шиор одамларимиз калбидан чуқур жой олиши керак” логининг эътирофи билан ҳам диққатга сазовор бўлди.

Ўз боласини, ўз уйини ва ўз Ватанини кўз қорачигидек асраш ҳар бир ўзбекистонликнинг асосий мақсади билан уйғуллигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Чунки фарзанд, оила ва Ватан ҳар бир маърифатли инсон учун энг муқаддас тушунчалар ҳисобланади. Миллий менталитетимизга кўра ҳам мазкур улуғ инсон учун бахт калити ҳисобланиши бежиз эмас.

Ўз фарзандини, ўз уйини ва ўз Ватанини асраш, аввало, шахснинг ўзига қолаверса, давлат ва жамият учун ҳам бирдек манфаатли эканлигини бутун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Чунки бутунлиқ тезкор ва шиддатли замонда оила учун қобил фарзанд — давлат ва жамият учун фаол фуқаро ва етук мутахассис, ҳалоллик ва ибрат намунаси саналиши уй-рўзгор ва оила эса — жамиятнинг асосий бўғини, инсоннинг киндик қони тўқилган, фарзандлари улғайётган ва ота-боболарининг руҳи ётган макон — инсонни индивиддан шахсга айлантирадиган, авлод ва аждодларига бешик бўладиган Ватан ҳисобланади.

Мурожаатномада, шунингдек, ёшлар билан ишлаш самардорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар ишлаб чиқиш, ёшлар сиёсатини баҳолаш миллий индексини жорий этиш таклифи ҳам илгари сурилди. Мазкур таклиф ёшлар жиянотчилиги ёҳуд ёш авлод вакиллари билан боғлиқ бошқа турли ноҳуси воқеаларнинг оқибати билан эмас, балки давлат ва жамият олдида уларнинг сабаби ва юзга келиш асослари билан тизимли ишлаш талабини қўяди. Зотан, ҳар бир давлат органи ёки фуқаролик жамияти институти қуллик ўз фаолиятида “Сен бугун Ватан келажаги учун нима қилдинг?”, деган давлат ва жамият учун устувор саналиши саволга виждонан, реал жавоб бериши даркор.

Президентимиз “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”, деган дастурий ғоя асосида, ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш — ўта шарафли вазифа, деб ҳисоблайди. Чунки садоқат, фидойилик, ахлоқ ва ташаббускорлик дастлаб оилда бошланиб, ижтимоий институтлар орқали шакллантирилиб, шахснинг

ҳамда давлат ва жамият манфаатларининг уйғуллиги асосида юксалтирилади. Ушбу ғоянинг мақсади ҳам онги, тафаккури, билими юксак, ҳулқ-атвори ибратли ҳамда маданиятли ва эътиқоди мустаҳкам, ўзига — оиласига, Ватанига содиқ эркин шахсларни тарбиялашга қаратилган. Айнан, ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тенг англайдиган ёш йигит-қизлар миллий тикланишнинг асосий субъектлари саналади.

Ёшларга шахсий ибрат, ростгўйлик ва фидойилик, уларни тўғри йўналтириш ҳамда муносиб рағбат орқали Ватан равнақи йўлидаги ташаббустга сафарбар этишнинг аниқ мисолини ҳам Юртбошимиз ўзи кўрсатиб берди. Бунга мисол қилиб, “...ёшлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасида бошланган янги ташаббусимизни бутун мамлакатимиз бўйича амалга оширамиз. Мен вилоят раҳбарларини, жойлардаги барча жамоатчиликни ушбу масалага жиддий эътибор беришга қақираман”, дея амалга ошириш мумкин бўлган ва ёшлар қўллаб-қувватлаётган реал ҳолатни кўрсатади. Мазкур ташаббусда мард, танги, ориятли, гурули, ташаббускор, меҳнатқаш, тadbиркор ва ватанпарвар ёшлар иштирок этишмоқда. Зеро, Мўйноқда бошланиб, тобора оммалашаётган бундай ҳаракат, аввало, мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, муҳими келажақ авлод вакиллари учун амалга ошириладигани, асосийси, унда ёшлар бевоисита иштирок этаётгани ва аксарият ёшларимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани барча раҳбарлар ҳамда кенг жамоатчиликни ёшлар катта ишларга қодир эканини англаб етишга қақиради. Ёшлар иштирокида бундай ташаббусларни, нафақат, Қорақалпоғистон Республикасида, балки республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказишга ҳар томонлама қўл, имконият ва асос борлигини англашимиз лозим.

Гапнинг индиалосини айтганда, Мурожаатнома фақат парламентга эмас, ижро ва суд ҳокимияти ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамда жамиятнинг барча аъзоларига тааллуқли эканлигини тушунишимиз керак бўлади. Айниқса, мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этувчи ёшларимизни муносиб, қобил, оқил ва Ватан юқини ерда қолдирмайдиган, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг фаол субъектлари этиб тарбиялашдан барчамиз манфаатдор ҳамда масъулмиз.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
Тошкент давлат юридик университети Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви кафедраси профессори вазифасини бажарувчи, юридик фанлар доктори

Ходимни ишдан бўшатган раҳбар ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

ЮНУСОБОД тумани адлия бўлимига Тошкент шаҳар Марказий маданият марказида 2018 йил 19 сентябрдан “Ритм” эстрада дастаси сахналаштирувчи режиссёри лавозимида ишлаган фуқаро И.Аллабергенова арiza билан мурожаат қилди. У жорий йилнинг 2 март кунда эғаллаб турган лавозимидан ишдан бўшатилган. И.Аллабергенова адлия бўлиmidан мазкур ҳолатнинг қонунчилигини ўрганишни сўраган.

Ўтказилган текширувда И.Аллабергенова Меҳнат кодексининг талабларига зид равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланди.

Шунингдек, унинг қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзанди борлигига ҳам эътибор берилмасдан, И.Аллабергеновани ишдан бўшатишда қонунбузилишига йўл қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан И.Аллабергеновани лавозимига қайта тиклаш чоралари қўрилди. Марказнинг қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган барча масъул ходимларига нисбатан интизомий чоралар қўриш учун тақдирнома ҳамда туман Аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказига маъмурий таклиф киритилди.

Тақдирнома киритилиши натижасида И.Аллабергенова 0,5 штат бирлигига Марказга тўғарак раҳбари лавозимига ишга қабул қилинди. Марказ раҳбари эса Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига кўра маъмурий жавобгарликка тортилди.

Жўрабек МАХСУДОВ,
Юнусобод туман адлия бўлими бошлиғи

ЭЪЛОНЛАР

Андижон вилояти адлия бошқармасининг 2020 йил 30 июндаги буйруғига асосан Андижон шаҳридаги Ўзбекистон кўчаси, 18-уйда яшовчи фуқаро Мамадалиева Инобатхоннинг 2020 йил 29 июндаги аризасига кўра унинг номига 2011 йил 25 февралда берилган AN №000181 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси томонидан Термиз шаҳридаги “Муҳаммадиев Худобер Холиқулович” адвокатлик бюросининг адвокати Муҳаммадиев Худобер Холиқуловичнинг адвокатлик мақоми 2020 йил 24 июндаги 85-ум-сон буйруғига асосан тикланиб, адвокатлик гувоҳнома қайтариб берилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг 2020 йил 23 июндаги буйруғига асосан Китоб туманидаги “Китоб юридик хизмат” адвокатлик фирмаси адвокати Норбобоев Актам Зайноллаевич Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан 2019 йил 24 апрелда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи KS 000193-реестр рақамли лицензия ва адвокатлик мақоми тикланиб, 181-сонли адвокатлик гувоҳнома қайтариб берилганлиги маълум қилинди.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ бошқарманинг 2020 йил 25 июндаги буйруғига асосан Бухоро шаҳридаги “FEMIDA” адвокатлик фирмаси адвокати Турсунов Фарҳод Музаффаровичнинг (лицензия 25.12.2018, ВН №000032, адвокатлик гувоҳномаси №032, 25.12.2018 й.) вафоти муносабати билан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Андижон вилояти адлия бошқармасининг 2020 йил 24 июндаги буйруғига асосан Асака шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 6-уйда яшовчи фуқаро Мамадалиева Музаффар Камолдиновичнинг 2020 йил 24 июндаги аризасига кўра унинг номига 2013 йил 10 июнда берилган AN №000236 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан “Адвокатура тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, бошқарманинг 2020 йил 18 июндаги 156-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги “ХУСЕНОВ.К.М.” адвокатлик хайъати адвокати Абдуҳамидов Тулқин Абдуҳамидовичга 2018 йил 18 январда берилган SA 000570-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси жамоаси Тошкент шаҳар Олмазор туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Зиятов Бахтиёр Турсуновичнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва ақинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ҚОНУН

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

133N 2030-7817

772030796008

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустомовна

Бош муҳаррир

Қўчқор НОҚОБИЛ

Таҳририятга келган кўпмаърап тақриз қилинмайдиган ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи
Маруса Хосилова
Саҳифаловчи
Дилфазинер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйда чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 5820
Буюртма — V-4234

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 20:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5

КАТТАҚЎРҒОННИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ



КАТТАҚЎРҒОННИНГ ўз хусусияти, ўз салоҳияти бор, буни уста деҳқонлар яратиб кетган. Бу йилги ёнгингарчилик, шамол ва довуллар, ғаллақору, пахтақору, пиллақору, соҳибкорларнинг қаддини бука олмади, яна денг карантин қондаларига риоя этиб ишладилар. Ғалламиз кечикаяпти, бошоқларни могор босди, чигитни қачон экамиз, деган хаёллар ортда қолди. — Кетма-кет синовларни енгиб, эртанги ёруғ кунга, истиқболга интилган Каттақўрғон туман ғаллақорлари давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини ортиги билан бажардилар. Фермерлар бугунги ризку барака ортиқча донни ишчиларга тарқатди. Ғўза саналиб, гулга киратгани, саратон офтобда ҳосилга энган боғлар, шийпондаги суҳбатлар, ҳаммаси Каттақўрғон деҳқонларининг омилкорлиги, ишни тadbир билан бажарганлиги натижаси бўлди.

Аъзамхон Баҳромов деҳқонча кийиниб, ўзи-ю ишчиларини рўзгорини обод қилаётган омилкорларни табриклади. Фермерлар ғаллақорнинг бугун бири икки бўлди. Фермерлар ғалладан бўшаган майдонларда тақрорий экинлар экиб, қишлоқдошларга бўлиб бераяпти. Синовли кунларнинг қайси бир қувончи ҳақида ҳикоя қилайин? Бугун деҳқону фермернинг ошиғи олчи. Бу ёғи мўл-кўлчилик бошланаяпти. Мустақиллик байрами, деб муҳтож оилаларга тарқатиш учун қўйлар боқилаяпти. Элнинг шодлиги, қалб ободлиги, маҳалла тинчлиги кўнгилларга сурур бағишлаяпти.

БУ ЙИЛ СИНОВЛИ ЙИЛ БЎЛДИ

— Икки-уч йилдан буён давлатга пахта, пилла, ғалла сотиш шартномавий режасини ошириб бажариб келмоқдамиз, лекин жорий мураккаб йилда очиги бундай мўл ҳосил оламиз, деб ўйламаган эдик, — дейди Каттақўрғон туман ҳоқими Аъзамхон Баҳромов. Мавжуд 8926 гектар майдоннинг хар гектаридан 73 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 28214 тонна ўрнига 33 минг тоннадан кўпроқ ғалла сотилди. Охун Бобоев, Раҳима Исломова, Жума Хайтов, Марди Султонов каби фермерлар хар гектар майдондан 75 центнердан ошириб ҳосил олдлар. Пиллачиликда ҳам ишимиз бароридан келди. Давлатга 330 тонна кумуш тола етказиб берилди. Эътиборлиси, тарихда биринчи маротаба 2,5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу эса ўтган йилгидан 600 минг АҚШ долларига кўп.

ИССИҚХОНАЛАР — ЮҚОРИ ДАРОМАД МАНБАИ

Бугунги кунда юридик шахслар томонидан 28 та иссиқхоналар ташкил этилган. Иссиқхоналарнинг умумий майдони 50 гектарни ташкил этиб, шундан 44,0 гектари помидор ва бодринг етиштиришга, 6,0 гектари эса бошқа турдаги экин маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган. Мавжуд иссиқхоналарда жами 400 нафардан ортиқ ишчи фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари, туманимизда 82 та иссиқхона ташкил этиш лойиҳаси амалга оширилди. Ҳозирда ушбу лойиҳаларнинг барчасида қурилиш ишлари олиб борилаётган. Иссиқхона лойиҳаларининг умумий майдони 85,0 гектарни ташкил этади. Шундан 61,0

гектарда лимон, 19,0 гектарда помидор, бодринг ва қолган 5,0 гектарда эса бошқа экин турларини етиштириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларнинг умумий қиймати 125,9 миллион сўми ташкил этиб, шундан 81,6 миллиард сўми банк кредити асосида амалга оширилди. Лойиҳалар амалиётга жорий этилиши натижасида 850 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Ҳосилни етиштиришда ягона экспорт сибсатини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Ойжон қишлоғида 50,0 гектар майдонда замонавий иссиқхона комплекси барпо этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 80 миллиард сўми ташкил қилиб, ушбу лойиҳага Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) нинг имтиёзли кредити асосида қарийб 55,0 миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Ушбу йирик лойиҳа минтақада ягона бўлиб, лойиҳа жаҳон стандартлари асосида "OMAD START" МЧК томонидан Хитой давлатидан келтириладиган хомашёлар ҳисобидан қуриб берилди. Лойиҳа доирасида 800 та иш ўрни яратилиши белгиланган.

Мазкур иссиқхона комплексидан қутилаётган экспорт миқдори дастлабки 1-2 йилларда 1 миллион АҚШ доллари, 3-йилда эса 1,2 миллион АҚШ доллари бўлиши кутилмоқда. Лойиҳа негизда лимончилик кластери ташкил этилиб, етиштирилган лимон маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда сақлаш фаолиятлари йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, туманимиз аҳоли томоқларида 1 590 та иссиқхона ташкил қилинган бўлиб, уларнинг умумий майдони 16,0 гектарни эгаллаган. Иссиқхоналарнинг 3,0 гектарини лимончилик, қолган 13 гектарини эса бошқа турдаги экин маҳсулотлари ташкил этади. Бугунги кунда бу иссиқхоналардан 1500 нафар

аҳоли ўзини ўзи банд қилган ҳолда қўшимча даромад манбаи сифатида фойдаланмоқда.

Ишлар кўлами бу билан чекланиб қолгани йўқ. Аҳоли томоқларида "Микрокредитбанк" томонидан молиялаштириладиган 10,7 миллиард сўм миқдордаги банк кредити маблағи ҳисобига умумий ҳисобда 1 100 та 2 сотихлик лимончилик иссиқхоналари ташкил этилмоқда. Ушбу иссиқхоналарнинг умумий майдони 22,0 гектарни ташкил қилади. Натижада қишлоқларда кам таъминланган, ишсиз 1 100 та оиланинг ўзини ўзи банд қилиш натижасига эришамиз.

Аҳоли бандлигини таъминлашда истиқболли кооперация лойиҳаларининг ўрни энг самарали ҳисобланади. Бу борада туманимизнинг 160,2 гектар ер майдонида 15 та кооперация корхоналари ташкил этилган. Натижада 450 та оиладан 553 нафар фуқаро ушбу кооперацияда ишлашмоқда. Уларнинг 150 нафарини ёшлар, 154 нафарини эса хотин-қизлар ташкил этади.

АҲОЛИГА ТАҚРОРИЙ ЭКИН УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИ АЖРАТИЛМОҚДА

Аҳоли даромадларини ошириш мақсадида 6892 гектар ғалладан бўшаган ер майдонларига тақрорий экин экиш йўлга қўйилмоқда.

Асосан экспортбоп ҳамда бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш шарти билан маҳаллаларнинг камбағал фуқаролари рўйхатида турганларга ер майдонлари бўлиб берилмоқда. Экиладиган маҳсулотлар тақсимоли куйидагиларни ташкил қилади:

Мош — 4871 гектар;
Мақжаҳўхори — 1165 гектарга;
Кулупнай — 442 гектарга;

Барака меҳнатда, қадоқ қўлларда...

Сабзи — 164 гектарга;
Лимон — 50 гектарга;
Картошка — 18 гектарга;
Полиэ маҳсулотлари — 15 гектарга ҳамда 159 гектар майдонга бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш режалаштирилмоқда.

Етиштириладиган мош ва кулупнай экинлари ҳосилни тумандаги экспорт қилувчи корхоналар ёрдамида чет давлатга экспорт қилишни йўлга қўйиш режалаштирилган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда мош экинни экспорти 5 миллион АҚШ долларини, кулупнай экспорти эса миллион АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Президентимизнинг топшириғига асосан коронавирус пандемияси шароитида аҳолининг кўйи қатламларига қириб бориб, аҳолининг ички муҳити, шароитларини, уларнинг моддий-мулкий аҳолини, имкониятлари, хоҳиш-истакларини бир вақтнинг ўзида ўрганиш натижасида 3556 та эҳтиёжманд оиланинг аниқ рўйхати шакллантирилди.

Уларга 724 та саховатпеша тадбиркорлик субъекти ва ҳомиёлар ихтиёрий асосда бириктирилди. "Саховат ва кўмак" жамғармасининг ҳисоб рақами очилди.

2020 йил 25 май ҳолатига "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида иштирок этган 119 та тадбиркорлик субъекти ва жисмоний шахслар томонидан жами 1,1 миллиард сўм ҳомиёлик маблағлари келиб тушди.

Эҳтиёжманд оилаларда яшовчи жами 5097 нафар, шундан 2316 нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқарони ишга жойлаштириш, 2781 нафар фуқарони томоқка, кооператив ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги ерларига банд қилиш, 1802 нафарини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича чора-тадбир белгилаб олинди.

Камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш ҳамда карантин даврида ишсиз қолган фуқароларни иш ўринлари билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида 5059 нафар фуқаро бугунги кунга қадар доимий даромад манбаига эга бўлди. Жумладан, 3348 нафар фуқаро жамоат ишларига, 112 нафар фуқаро дала томоқкага (кооперативларга), 1511 нафар фуқаро вакант жойларга, 79 нафар фуқаро шахсий томоққаларига субсидия ажратилиб, доимий даромад манбаига эга бўлди.

АҲОЛИ ДАРОМАДИНИНГ САЛМОҒИ ОРТМОҚДА

Туманда кулупнай етиштиришда катта тажрибага эга бўлган фермерлар, деҳқонлар ва томоққачилар тўплаган тажрибаларни ва маҳсулот бозорини ўргандик. Хонадонларда ва фермер хўжалиқлари ерларида пишиб этилган кулупнай нафақа вилоятимиз бозорларини таъминлади ҳамда аҳолининг томоққадан оладиган даромади ҳам шунга яраша салмоқли бўлди.

Шуларни инобатга олган ҳолда кулупнай етиштиришни янада ривожлантириш ва соҳага илм-фан ютуқларини киритиш мақсадида 2018 йил охирида "Шарқ саннат" концерни билан ҳамкорликда туманга Инвитро лабораториясида кўпайтирилган кулупнайнинг "Зинга-зинга" навидан 820 мингга экилди.

2019 йил кузида ва жорий йил баҳор ойларида 5 миллион донга олинган кулупнай кўчати фермерлар ва аҳоли хонадонларига тарқатилди. Кулупнай етиштиришни кенгайтириш мақсадида "КАТТАҚЎРҒОН КЛУБНИКА" ишлаб чиқариш кооперативи ташкил қилинди. 2020 йилда 2021 йил ҳосили учун фермер хўжалиқлари ва аҳоли томоққаларида кулупнай экинни 1000 гектарга етказиш режалаштирилган, шундан 500 гектар мутлақо янги, қўл меҳнати жуда кам талаб қилинадиган томчи-латиб сугорчи технологиялари асосида экилади. Кулупнай етиштириш учун ажратилган ерларга асосан камбағал оилалар ва ишсиз ёшлар, шу жумладан, хотин-қизлар ишга жалб қилинмоқда. Тумандаги бўш турган собиқ Консерва заводи биноси негизда музлаткичли омборхона қурилади ва саралаш, қадоқлаш ҳамда логистика маркази ташкил этилади. Етиштириладиган жами ҳосил 30 минг тоннани ташкил этиб, шунинг қаида 10 минг тоннаси (10 миллион АҚШ доллари) экспортга йўналтирилиши режалаштирилган.

Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида 5 мингдан ортиқ ишсиз аҳоли доимий даромад манбаига эга бўлади.

Туманда лимон етиштириш бўйича 10 гектар лимончилик кластери ҳамда 1650 та аҳоли хонадонларида ихчам иссиқхоналар ташкил этилган бўлиб, бунда 1750 нафар аҳоли бандлиги таъминланмоқда. Лимончиликни ривожлантириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш натижасида қўшимча яна 850 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади.

Лимончилик кластери қошида лимон сотиб олиш, саралаш ва қадоқлаш ҳамда ностандарт меваларни қайта ишлаш (лимон мураббоси тайёрлаш) логистика маркази ташкил этилмоқда.

"Инсон ва қонун" мухбири Азим ҚОДИРОВ суҳбатлашди.